



Тошкент Оқшомми

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 248 (11.559)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОВОЗ БЕРДИ

2009 йил 27 декабрь куни мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 27 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 644-сайлов участкасида овоз берди.

Бугун ўтказилаётган сайловда, албатта, тенглик, ҳаққонийлик тамойилларига қатъий амал қилинади, деб ишонаман, — деди Президентимиз. — Сайлов — бу ўз ҳуқуқини англаган ҳолда, эркин танлаш ва онгли овоз беришдир. Сайловда қатнашиш билан ҳар биримиз нафақат Конституцияда кафолатланган овоз бериш ҳуқуқимиздан фойдаланамиз, айти пайтда фуқаролик бурчимизни чуқур англаган ҳолда ўзимиз, фарзандларимиз, Ватанимиз тақдири олдида масъул эканлигимизни янада теранроқ тушуниб етамиз.

Мустиқиллик йилларида мамлакатимизда умумэтироф этилган стандартлар ва юксак демократик талабларга тўла жавоб берадиган сайлов тизими шаклланди. Бу борада Конституциямизга асосланган муштахкам ҳуқуқий замин яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигига сайлов тизимини янада либераллаштириш ва демократлаштиришга, сиёсий

партияларнинг ролини кучайтиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди.

— Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар кўппартиявийлик ва мўқобиллик асосида ўтаётгани мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат шаклланиши ва сайлов тизимимиз халқаро нормаларга тўла мос келишининг даллатидир, — деди Ислам Каримов. — Халқимиз бугунги сайлов олдинги сайловлардан тубдан фарқ қилишини яхши билади. Сайловчи нафақат ўзи танлаган номзодга, балки ўша номзод аъзо бўлган сиёсий партияга ҳам овоз беришда, партиянинг ғояларига ишонч билдирмоқда. Шундай экан, ҳар қайси партия ўз зиммасига қандай масъулият олаётганини яхши англамоғи лозим. Халқнинг ишончини оқлай олмаган партия ўз-ўзини сиёсий майдондан чиқиб кетади. Шу маънода бугунги сайлов сиёсий партиялар учун муҳим синов, жиддий имтиҳондир.

Давлатимиз раҳбари журналистларнинг саволларига жавоб бера экан, кўплаб мамлакатларни оғир аҳволга солган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган чоралар хусусида тўхтади.

— Ўзбекистон танлаган йўл нақадар тўғри ва ҳаққоний эканини ҳаётнинг ўзи исботлади. Маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқаруving бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни, “Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг” деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш йўлини танладик, — деди Президентимиз.

Мамлакатимиз раҳбари Марказий Осиёда юзага келган мураккаб экологик вазият ҳақида сўз юритди. Орол муаммосини фақат анжуманлар, конференциялар ўтказиш билан ҳал қилиб бўлмайди. Бу йўлда амалий ишлар, натижалар керак, деди Ислам Каримов. Шу боис мамлакатимизда фаолият юритаётган экологик ҳаракатлар бирлашди. Мамлакатимиз парламенти кўйи палатасида Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатлар учун 15 ўрин ажратилди.

Биз ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишдек эзгу мақсадлар билан яшаймиз. Бугунги сайлов ана шу эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

В.ЛУҚМОНОВ,
ЎЗА мухбири

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ташкил этилган «Келажак овози» кўрик-танлови якунланди.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида мазкур кўрик-танлов совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унга таълим, маънавият ва маърифат, санъат, маданият намояндалари, ижодий танловнинг мамлакат босқичи ғолиблари, уларнинг ўқитувчилари, ота-оналари, жамоат, халқаро ташкилотлар, хорижий дипломатик корпус вакиллари тақдирланди.

Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, замонавий билим чўққиларини эгаллаши, ўз қобилияти ва имкониятларини намойиш этиши учун давлатимиз, жамиятимиз томонидан зарур шароит яратиш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ёш авлодни тарбиялаш, маънавиятини юксалтириш, улар қалбига гўзаллик ва эзгулик интилишини кучайтириш, иқтидорли йигит-қизларни аниқлаш, уларнинг сафини кенгайтириш борасида давлат ташкилотлари билан бир қаторда жамоат ташкилотлари, жумладан, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Жамғарманинг юртимиз ўғил-қизларида тобора катта қизиқиш уйғотаётган маърифий лойиҳаларидан бири иқтидорли ёшларнинг «Келажак овози» республика кўрик-танловидир. Жорий йилда ушбу аънаванавий ижодий беллашувнинг кўйи босқичларида олтинчи минг нафар йигит-қиз иштирок этди. Уларнинг қирқ беш нафари республика босқичида

ғолиб, деб топилди.

Танлов иштирокчилари арҳитектура ва дизайн, ахборот коммуникацияси ва технологиялари, рационализоваторлик тақлифлари, техника лойиҳалар ва ишланмалар, аънаванавий бадиий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика каби номинацияларнинг ўн беш йўналишида ўз билим ва маҳоратини намойиш этди.

Танлов ғолибларидан бири — Баҳодир Нарзуллаев Қорақалпоғистондаги Қўнғирот сода заводида оператор-технолог бўлиб ишлайди. Унинг газ концентрациясини чангдан тозалаш ва ҳароратини тартибга келтиришга оид илмий лойиҳаси мазкур корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ва самардорлигини оширишга йўналтирилган.

Бундай танловлар биз, ёшларнинг изланишимиз, эзгу интилишимизга қанот бағишлаб, тадқиқотларимизни мамлакатимиз ва халқаро миқёсда тарғиб ва ташвиқ этишда муҳим ўрин тутади, — дейди Баҳодир.

Ушбу тадбирда танлов ғолиблари ўз лойиҳаларини таниқли олимлар, экспертлар, малакали мутахассислар, илғор талаба-ёшлар иштирокида ахборот технологиялари, рационализоваторлик тақлифлар ва техника ишланмалар каби йўналишлар бўйича атрофлича таҳлил ва муҳокама этиб, илмий жиҳатдан ҳимоя қилдилар.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,

ЎЗА мухбири

2009 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўлиб ўтди.

28 декабрда сайловнинг дастлабки натижаларига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов қайд этдики, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш борасидаги ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим босқич бўлди.

Мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари, хорижий ва халқаро кузатувчиларга маълум қилиндики, дастлабки маълумотларга кўра, сайловда 15 миллион 108 950 нафар сайловчи иштирок этди ва бу сайловчилар умумий сонининг 87,8 фоизини ташкил этди. Шундай қилиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 44-моддасига биноан, парламентнинг Қонунчилик палатасига сайлов бўлиб ўтган, деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловнинг дастлабки натижаларига кўра, 96 та сайлов округида

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИНГ ЧУҚУРЛАШТИРИЛИШИ УЧУН ОВОЗ БЕРДИ

депутат сайланди. Қонунчиликка биноан қолган 39 та сайлов округида икки ҳафталик муддатда энг кўп овоз олган депутатликка икки номзод учун қайта овоз бериш ўтказилди.

Сайлов куни Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Конференцияси бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлиги ва Экоҳаракат Ижроия қўмитаси вакиллари бўлган номзодлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қонунчилик палатасига мазкур ҳаракатдан 15 нафар депутат сайланди.

Матбуот анжуманида таъкидлангани, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилигида белгиланган барча демократик норма ва принципларга тўла мос ҳолда ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси таъкидлаганидек, қонунчилик талаблари бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар ва маълумотлар тўшмаган.

Сайлов — кучли фуқаролик жамиятига эга демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқнинг ўз хоши-иродасини билдириши, фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шаклидир. Мустиқиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсий, давлат ва ҳуқуқий соҳаларнинг изчил, босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида энг юксак демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди. Сайловнинг самарали, умумэтироф этилган халқаро меъёрлар ва стандартларга жавоб берадиган асоси яратилди. Сайловнинг очкилик, ошқоралик ва адолат каби тамойилларга мувофиқ ҳолда ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан кафолатланган.

(Давоми 2-бетда).

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 28 декабрь куни Оқсарой қароргоҳида Қирғизистон Республикаси Бош вазири Данияр Усеновни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни Қирғизистон Бош вазири лавозимига тайинлангани муносабати билан қутлаб, Ўзбекистон-Қирғизистон ҳукуматларо комиссияси мажлисида иштирок этиш учун Қирғизистон делегациясининг бундай таркибда Тошкентга ташириги ўзаро муносабатларимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишини таъкидлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Қирғизистон муносабатларини конструктив асосда оптималлаштириш зарурияти икки томонлама ҳамкорликда устувор аҳамиятга эга. Жумладан, қўшни мамлакатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, минтақавий сув ва энергетика мувозанатини таъминлашга доир халқаро муштақил экспертизани ўтказиш ўта муҳимдир. Шу билан бирга, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш масалалари долзарб ҳисобланади.

Учрашувда Данияр Усенов Президентимизга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон-Қирғизистон ҳукуматларо комиссиясининг мажлиси юқори савияда ўтганини алоҳида таъкидлади.

Сўхбат чоғида ўзаро манфаатдорликка асосланган икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари ва бошқа муҳим масалалар муҳокама этилди.

(ЎЗА)

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **РЕСПУБЛИКА** Халқ таълими вазирлигига қарашли филологияга ихтисослашган умумтаълим мактабида бошланғич синфлар ўқувчилари, ўқитувчилар, ота-оналар иштирокида савдонхонлик байрами тадбири бўлиб ўтди.

✓ **МИРЗО** Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидеги талабалар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир ёшларнинг ҳуқуқий савдонлигини юксалтиришнинг аҳамиятига бағишланди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманида туман ҳокимлиги, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорлигида маҳалларда яшовчи кам таъминланган оилалар аъзолари иштирокида хайрия тадбири уюштирилди.

✓ **ЮНУСОБОД** туманидаги 544-мактабгача таълим муассасасида туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида уюштирилган адабий кечада тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Россия ва Украина Россия нефтини Украина орқали Венгрия, Словакия ва Чехияга транзит қилиш бўйича ўзаро келишиб олди.

• Жанубий Курил оролларининг келгусидаги тақдир юзасидан Россия ва Япония ўртасида ўтказилган музокаралар натижасиз якунланди.

• Эронда муҳолифат тарафдорлари томонидан ўтказилган норозилик намойиши қатнашчилари ҳамда полициячилар тўқнашуви натижасида 8 киши ҳаётдан кўз юмди. Шунингдек, бир неча ўнлаб полициячилар жароҳатланди. Кеча муҳолифат етакчиларининг етти нафари ҳибсга олинди. Эрондаги фожияли воқеалар муносабати билан Буюк Британия, Франция ва Германияда ўтказилган намойишлар қатнашчилари Эрон маъмуриятининг муҳолифат билан сиёсий музокаралар ўтказишини талаб этмоқда.

• АҚШ Сенати мамлакат мудофаа вазирлигига 2010 йил учун бюджетдан 626 миллиард доллар миқдорда маблағ ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқуллади. Келаси йили мазкур соҳага бериладиган маблағнинг 128 миллиард АҚШ доллари миқдориди қисми Ироқ ва Афғонистонда олиб борилаётган ҳарбий ҳаракатларни молиялаштиришга йўналтирилди.

• 2010 йилнинг 24 мартдан бошлаб АСЕАН мамлакатлари учун ҳамкорликдаги инқирозга қарши жамғармадаги 120 миллиард долларлик маблағдан фойдаланишлари учун имконият яратилди.

• Хитойнинг Шаньси музофотидаги кўмир конларининг бирида портлаш юз бериши натижасида 12 нафар ишчи ҳалок бўлган, 16 нафари эса вайроналар остида қолиб кетган. Тахминларга кўра фалокат меҳнат хавфсизлиги қоидаларига амал қилинмаганлиги туфайли юз берган.

• Кеча Покистоннинг Карачи шаҳрида амалга оширилган террорчилик ҳаракати натижасида 20 га яқин киши ҳалок бўлди, 70 киши эса турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

• Кеча Бойкўнғирдаги космодромдан Америка сунъий йўлдошини ўза ичига олган «Протон-М» элтувчи ракета парвоз қилди.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ
ХАЛҚ БАНКИ ЖАМОАСИ**

**юртдошларимизни янги — 2010 йил — Баркамол авлод йили
билан самимий муборакбод этади.**


Янги йилда барчага мустаҳкам соғлиқ, фаровон ҳаёт, оилавий бахт, жонажон Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик ишларида улкан зафарлар тилайди. Байрам кунлари

Сизларга миллий валютадаги «КОМФОРТ» ва хорижий валютадаги «ЛЮКС» муддатли омонатларини таклиф этамиз.

Мазкур омонат турларига маблағлар жисмоний шахслардан миллий ва хорижий валютадаги маблағларни бир йил сақлаш шarti билан қабул қилинади.

Миллий валютада — «КОМФОРТ» муддатли омонатига йиллик — 26 фоиз миқдорда ва хорижий валютада — «ЛЮКС» муддатли омонатига йиллик 12 фоиз миқдорда даромад тўланади.

Мазкур омонат турларига жалб этилган маблағларга белгиланган муддат учун ҳисобланиши лозим бўлган фоиз даромадлари, омонат бўйича ҳисобварақ очилган куннинг ўзидаёқ ёки омонат шартномасининг амал қилиш муддатининг исталган даврида миқдорнинг биринчи талаби бўйича берилди.




АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ ДАҲЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН.
Хизматлар лицензияланган. Лиц. 25.25.01.2003 Мурожаат учун тел: 150-12-91

**ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР,
АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!**

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ



*Сиз азизларни қутлуғ қадамлар билан кириб келаётган
Янги - 2010 йил билан самимий муборакбод этади.
Янги йил барчаларга олам-олам қувонч келтирсин,
ушайлаётган орзу-ниятларини рўйбга кўрсин.
Ўртининг тинч, дастурхонининг тўқин,
хонадонларининг обод бўлсин.*

*Келгуси Баркамол авлод йилида
ёнларининг бахт ва олад ёр бўлсин.*



**Азиз ҳамшаҳарлар,
пойтахтимизнинг қадрли
меҳмонлари!**

«SARAY-PLASTIC» SARAY

**ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ ҚЎШМА
КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

**Сизларни кириб келаётган Янги 2010 йил
билан чин кўнгилдан табриклайди:**

**Ишларингиз бароридан келсин, уйингиз
шодликка, қалбингиз меҳрга тўлсин.**

**Кўнгилларингиз нурафшон, дилларингиз
хушхандон, дастурхонингиз тўқин,
хонадонингиз обод, оилангиз тинч ва
хотиржам бўлсин.**



**Янги йилда барча ниятларингиз
ижобат бўлишига тилакдошимиз!**

**АЗИЗЛАР!
КўП ТАРМОҚЛИ «ДОКТОР Д»
ШИФОХОНАСИ ЖАМОАСИ**

Сиз азизларни қутлуғ қадамлар ила кириб келаётган янги — 2010 йил билан чин юракдан самимий муборакбод этади.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, хонадонларингизга тинчлик, осойишталик, тотувлик тилаймиз.

**Янги йилда оилаларга соғлом
ва баркамол авлодлар қувончи насиб этсин.**

- Кўп тармоқли «Доктор Д» госпитали
24 соат очик.
- 1.Нур диагностика (рақамли рентген, МРТ, маммография, УТТ).
 - 2.Халқаро репродукция маркази. Бепуштлиқни даволаш, ЭКО, ИКСИ.
 - 3.Тез тиббий ёрдам. Янги реанимобиллар.
 - 4.Стационар (люкс, ВИП).
 - 5.Поликлиника.
 - 6.Умуртқани компьютерли тортиш.
- Манзил: Тошкент шаҳри, Уста Олим кўчаси, 15.
- Тел: 113-00-57
Хизматлар лицензияланган



«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*Азизли пойтахти миз аҳолиси, ёғилар ва соҳа
ходимларини фрайз-баракка билан қуриб келаятган янги*

2010 йил — Баркамол авлод йили билан

қизгин муҳаббатлар этади.

*Азизлар, хонадонингизга фрайз-баракка,
сизга-саломатлик ва оилавий бахт*

Сизларга доимо ёр бўлсин.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, 12.01.09й, №219/2 ижро ҳужжати асосан, «LADA 11194-110-30» русумли, д/р 10ВН346 бўлган, 2008 йилда и/ч Яққасарой т., У.Носир кўчаси, 56-уйда ҳамкорбанк Яққасарой ф-ли биносида сакланаётган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 14 851 495 сўм.

II. Аукцион савдосига Хамза туман СИБ томонидан, 18.04.07й, №7317/4 ижро ҳужжати асосан, «Фиат Темпра» русумли, д/р 10AY878 бўлган, 1996 йилда и/ч, «Шаркли мелиса» МЧЖда сакланаётган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 4 491 422,30 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 2 феврал кунни соат 11:00да бўлиб ўтади.

Талабдорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситаси 2010 йил 2 февралдаги аукцион савдосига сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 23 феврал кунни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишнинг мумкин.

Шунингдек, 2010 йил 19 январ кунни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран СИБ томонидан қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

III. Миробод тумани СИБ томонидан, Тошкент ш. ИИБ Ахборот маркази оմборхонасида сакланаётган: 1. «Матиз» русумли, д/р 30S9245 бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси (05.06.09й, «1-730/2009»). Бошланғич баҳоси—13 296 960 сўм. 2. «BA3-21074» русумли, д/р 11X7404 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 09.07.09й, №1-593/2009). Бошланғич баҳоси—8 568 000 сўм. 3. «GA3-31029» русумли, д/р 10R7744 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 14.04.09й, №1-250/2009). Бошланғич баҳоси—2 949 300 сўм. 4. «GA3-24» русумли, д/р 30D5089 бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.06.2009й, №1-427). Бошланғич баҳоси—522 000 сўм. 5. «Форд Эскорд» русумли, д/р 30D0743 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 24.12.08й, №ЖСК-1-1032/08). Бошланғич баҳоси—3 416 850 сўм. 6. «БМВ-318» русумли, д/р 30Q7849 бўлган, 1991 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 16.12.08й, №1-760/2008). Бошланғич баҳоси—10 629 000 сўм. 7. «ЕРА3» русумли, д/р 1101636 бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 10.12.08й, №1-1324). Бошланғич баҳоси—543 690 сўм. 8. «BA3-2107» русумли, д/р 30J7844 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт

воситаси (ижро ҳужжати 27.03.09й). Бошланғич баҳоси—1 873 530 сўм. 9. «BA3 2107» русумли, д/р 10AZ265 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 02.02.07й, №1-71/2007). Бошланғич баҳоси—5 176 800 сўм. 10. «BA3-2106» русумли, д/р 30R9290 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 15.05.09й). Бошланғич баҳоси—2 686 050 сўм. 11. «BA3-2107» русумли, д/р 30W8334 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 24.03.08й, №1-280/2009). Бошланғич баҳоси—2 996 100 сўм. 12. «ДЭУ Эсперо» русумли, д/р йўқ, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 31.07.2009й, №9023/11). Бошланғич баҳоси—5 543 640 сўм. 13. «Нексия» русумли, д/р 19P7781 бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 29.07.09й, №8962/11). Бошланғич баҳоси—8 589 150 сўм. 14. «Матиз» русумли, д/р 30K2226 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 28.05.09й, №6324/14). Бошланғич баҳоси—9 396 000 сўм. 15. «Камаз-5410» русумли, д/р 19E3928 бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 08.06.09й, №6573/14). Бошланғич баҳоси—13 415 400 сўм. 16. «Алкан-13» русумли, д/р 19A722 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 08.06.09й, №6573/14). Бошланғич баҳоси—7 024 500 сўм. 17. «BA3-21011» русумли, д/р 10S7565 бўлган, 1979 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 18.06.09й, №7396/14). Бошланғич баҳоси—1 838 070 сўм. 18. «BA3-2106» русумли, д/р 30C9637 бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 24.08.09й, №10109/14). Бошланғич баҳоси—3 298 500 сўм. 19. «ТИКО» русумли, д/р 30V5970 бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 24.08.09й, №10111/11). Бошланғич баҳоси—7 695 000 сўм. 20. «BA3-21061» русумли, д/р 10C519AA бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 04.09.09й, №10442/11). Бошланғич баҳоси—2 601 000 сўм. 21. «BA3-21074» русумли, д/р 01N144AA бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 08.09.09й, №10807/11). Бошланғич баҳоси—5 173 650 сўм. 22. «BA3-21011» русумли, д/р 30T6914 бўлган, 1977 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 02.10.2009й, №9316/14). Бошланғич баҳоси—1 266 300 сўм. 23. «Матиз» русумли, д/р 30M4620 бўлган, 2005 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 23.02.09й, №1924/14). Бошланғич баҳоси—7 751 135 сўм. 24. «BA3-21061» русумли, д/р 10W8197 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 13.10.08й, №10135/14). Бошланғич баҳоси—3 800 000 сўм. 25. «BA3-2107» русумли, д/р 30D2619 бўлган, 2005 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро

ҳужжати 11.09.09й, №11116/11). Бошланғич баҳоси—7 099 765 сўм. 26. «Нексия» русумли, д/р 19N6019 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 14.09.09й, №11192/11). Бошланғич баҳоси—11 171 528 сўм. 27. «BA3-2101» русумли, д/р 30E6146 бўлган, 1974 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 17.09.09й, №11249/11). Бошланғич баҳоси—1 428 666 сўм. 28. «BA3-2101» русумли, д/р 11B6131 бўлган, 1977 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 17.09.09й, №11250/11). Бошланғич баҳоси—1 648 458 сўм.

- Тошкент ш. Божхона бошқармаси 11-масканида сакланаётган: 29. «Митцибиси-3000» русумли, д/р 10H0933 бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 18.02.08й, №1-983/2008). Бошланғич баҳоси—10 713 600 сўм. 30. «Джил Ленд Ровер» русумли, д/р сиз, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 16.04.08й, №3709/4). Бошланғич баҳоси—16 071 300 сўм. 31. «БМВ-525» русумли, д/р йўқ, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 08.07.09й, №7791/14). Бошланғич баҳоси—24 300 000 сўм. 32. «Джил Ленд Ровер» русумли, д/р йўқ, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 24.08.09й, №10131/11). Бошланғич баҳоси—65 050 650 сўм.

- Тошкент ш. «Ўзтемирйўлмаштамир» да сакланаётган: 33. «Джил Гранд Чероки» русумли, д/р 30P1793 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси (30.12.06й, №13738/4). Бошланғич баҳоси—20 811 150 сўм. 34. «MOA3-546-П» русумли, д/р 55-99EP бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси (30.12.06й, №13738/4). Бошланғич баҳоси—38 990 790 сўм. 35. Тошкент ш. Хамза т. Захидов кўчаси 23-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 270,42 кв.м., яшаш майдони 44,72 кв.м. бўлган, 12-хонадон (ижро ҳужжати 10.02.09й, №1463/8). Бошланғич баҳоси—25 920 000 сўм. 36. Тошкент шаҳар 1-сонли автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 27.04.09й, №4924/14). Бошланғич баҳоси—6 347 079 сўм.

IV. Учтепа тумани СИБ томонидан, 27.10.08й, №10-0807/13984, 09.10.08й, №10-0815/10782, 06.03.09й, №10-0906/544, 06.03.09й, №10-0906/534, 27.04.09й, №10-0906/3095, 18.05.09й, №10-0906/4820 ижро ҳужжатларига асосан, Чилонзор м-зе, Учтепа т. Д-20, 46-уйда сакланаётган қуйидагилар қўйилмоқда: 1. «ЗИЛ-431516» русумли, д/р 10AY440 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 522 257,30 сўм. 2. «GA3-3102951» русумли, д/р 10AT910 бўлган, 1995 йилда

и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 419 112,28 сўм.

V. Чилонзор тумани СИБ томонидан, 15.05.2008 й 10-0811/3554-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Тошкентлифт» трестига тегишли, Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 127-уйда сакланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда 1. «GA3-52» русумли, д/р 10AY387 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 674 727,06 сўм. 2. «GA3-52» русумли, д/р 10AS132 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 343 119,46 сўм. 3. «GA3-5201» русумли, д/р 10AY389 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 005 183,77 сўм. 4. «GA3-52» русумли, д/р 10AY392 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 815 087,92 сўм. 5. «GA3-93Б» русумли, д/р 10AY388 бўлган, 1970 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 185 431,72 сўм. 6. «GA3-52» русумли, д/р 10AR092 бўлган, 1975 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 422 168,77 сўм. 7. «РАФ-2203» русумли, д/р 10АН680 бўлган, 1982 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 034 851,62 сўм;

- Чилонзор тумани, К.Шарипова кўчаси 2-уйда сакланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари: 10.05.2007 й 10-0711/3264-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган. 8. «GA3-31029» русумли, д/р 10AI560 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 286 369,94 сўм. 9. «GA3-2417» русумли, д/р 10AI498 бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 382 670 сўм. 10. «GA3-2417» русумли, д/р 10AI560 бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 545 713,24 сўм.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850, Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т. в. М.Уразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

2009 йил 26
ДЕКАБРДАН 2010 йил 10
ЯНВАРГАЧА



ЦИРКДА ЯНГИ ЙИЛ ЭРТАГИ «ЖОДУ ҚИЛИНГАН САЙЁРА СИРИ»

«Жоду қилинган сайёра сири» Янги йил эртагида эртақдаги цирк артистлари, гимнастлар, акробатлар, масхарабозлар, алп қоматли кўзбоғлағичлар, қушлар ва ҳайвонлар ёвуз қучларни енгилга ёрдам беришади.

Зеро, дўстлик ва садоқат ҳаёти-миздаги энг қимматли қадриятлардир.

Томошалар: 11,00,
12,00, 14,00, 16,00, 18,00
да бошланади.

Кассанинг телефон-
лари: 244-35-91,
244-35-94, 244-32-
23.

Сайт: sirk.uz.



«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзили: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Тошкент Банк коллежи жамоаси бадий раҳбар Хайрулло Хайитович Сапаровга отаси

Хайит ота САПАРОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан қу-
р таъзия изҳор этади.



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2812 нусхада босилади.
Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланади.
«Шарқ» нашриёт-матбуот акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Тўрон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 5